

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш;

электр хужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс буйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни коплашга,